Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 23 ноябрь, пайшанба. №143. (21.906) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

22 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда амалий ташриф билан меҳмон бўлиб турган Молдова Республикаси Бош вазири Андрей Сангелини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Молдова ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ривожланиб бораётганидан мамнун эканлигини айтди.

— Бу жабҳадаги ҳамкорлик бошқа соҳалардаги алоқаларни тараққий эттиришга асос бўлиб хизмат қилиши ҳам ғоят аҳамиятли, — деди Ўзбекистон раҳбари.

Ислом Каримов ҳамкорлик жараёнини жадаллаштириш Ўзбекистон ва Молдова халқлари учун муносиб турмуш шароитлари яратишга хизмат қилишини таъкидлар экан, савдо-иқтисодий соҳа билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги, жумладан, уруғчиликни яхшилаш борасида ҳамкорлик имкониятлари мавжудлигига эътибор қаратди.

Молдова Бош вазири икки мамлакат ўртасида шу кунгача имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш муҳимлигини қайд этди. Бу борада Молдова Ўзбекистон ишбилармонларининг ҳамкорлиги алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул чоғида Ўзбекистон Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Ў. Султонов, республика ташқи ишлар вазири А. Комилов, Молдова томонидан республика Бош вазири ўринбосари В. Кунев, Гагауз ери бошқони Г. Табуншчик, Молдова Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Дудэу иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

21 ноябрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда вилоят кенгаши депутатлари, Самарқанд вилоятидан сайланган республика Олий Мажлиси депутатлари, республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари қатнашди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлаб, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларга баҳо берди.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди. П. Абдураҳмонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод этилди. Депутатлар Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси адлия вазири вазифасида ишлаб келаётган А. Мардиевни Самарқанд вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, М. Усмонов, Ў. Исмоилов қатнашди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам дўстлар!

Самарқанд — беқиёс қудрати, бой тарих ва бетакрор маданияти билан дунё аҳли диққатини ўзига тортган қадимий макон. Кўҳна Туроннинг улуғ анъаналари, жаҳон цивилизацияси ривожининг муҳим даврлари бевосита шу замин билан боғлиқ. Чиндан ҳам, Самарқанд дунё тараққиётининг бешикларидан биридир. Буни Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир давлат ва сиёсат арбоби, фан ва маданият вакили алоҳида таъкидламоқда ва тан олмоқда.

Олис тарихимиз бизда миллий давлатчилик анъаналари кўп асрлар олдин шаклланганидан далолат беради. Улуғ Амир Темур давлатчилиги, унинг ўзига хос сиёсат ва бошқарувчилик усули, адолатли жамият барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари бугунги давлатчилигимизни янги мазмун билан бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис келгуси йили ЮНЕСКО қарори билан буюк бобомизнинг 660 йиллик тўйини бутун жаҳон нишонлайди.

Мамлакатимиз тарихан қисқа муддатда катта ютуқларни қўлга киритди. Биз мустақилликнинг ўтган йиллари мобайнида сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан буюк мамлакатнинг пойдеворини қўйдик. Бутунлай янги тарихий шароитларда миллий давлатчилигимизнинг асосини яратдик. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни тобора чуқурлашмоқда.

Дунё сиёсатдонлари Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини маъқулламоқдалар. Халқаро ташкилотлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни қўллаб-қувватламоқдалар. Биз бутунлай янги, ўз миллий анъаналаримизга хос бўлган, халқимиз турмуш тарзи ва урф-одатларига тўғри келадиган, айни пайтда жаҳон андозаларига мос баркамол жамият қуриш тамойилларини ишлаб чиқдик.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-юбилей сессияси Ўзбекистоннинг дунёдаги ўрни ва янги имкониятларини яна бир бор намоён этди. Биз бу сессияда жаҳон сиёсатида бурилиш бўладиган таклифларимизни ўртага ташладик. Бу таклифлар сизларга матбуот орқали таниш.

Куни кеча якунланган Германия Федератив Республикасига сафаримиз эса Ўзбекистоннинг кенг имкониятлар мамлакати эканлиги, дунёнинг ҳар қандай давлати билан тенгма-тенг ҳамкорлик қилишга қодирлигини кўрсатди.

Бунга яна қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, яқинда Жаҳон банки раҳбари Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари, ривожланиш тамойиллари ва халқимизнинг турмуш тарзи билан танишди ва тажрибамизни ижобий баҳолади.

Шу кунларда дунёнинг обрўли сармоядорлари, энг ривожланган мамлакатларнинг таниқли ишбилармонлари ва иқтисод билан боғлиқ бўлган қатор халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари Ўзбекистон билан қизиқишмоқда. Бу мамлакатимизнинг халқаро нуфузи тобора ошиб бораётганидан, **унинг ҳақиқатдан ҳам келажаги буюк эканлигидан далолат беради.**

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон жаҳон давлатчилиги анъаналари, халқаро сиёсат ва дунё ижтимоий-сиёсий жараёнларини инсонпарварлик ғоялари билан бойитиш борасида ўзига хос йўлдан бормоқда.

Мамлакатлараро, минтақалараро, қитъалараро муносабатларни юксак сиёсий маданият, шарқона ахлоқ-одоб ва олий даражадаги тафаккур мезонларига таянган музокаралар йўли билан ҳал этиш каби принципиал таклифлар билан чиқмоқда. Дунё муаммоларини ечиш ва ер юзида тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашда энг замонавий усулларни қўллаш — ҳар қандай чигал масалаларни юзма-юз мулоқот ва фикр алмашиш йўли билан ҳал этиш каби ғоят инсонпарвар тамойилларнинг амал қилишини таклиф этмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини, нуфузини, қолаверса, халқаро сиёсатда умуминсоний қадриятларга таянганлигини кўрсатади.

Энди келажакка қатъий ишонч билан қараб мавжуд имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш, ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш кераклигини ҳаёт тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу ўз навбатида макроиқтисодиётни барқарорлаштириш, инфляция суръатларини пасайтириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш сингари кенг миқёсли муаммоларни ҳал қилишни талаб этади.

Биз бугун айни шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган ишларга баҳо бермоқчимиз. Негаки, Самарқанд ишлаб чиқариш имкониятлари, ақлий ва меҳнат ресурслари жиҳатидан мамлакатимизда Тошкентдан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Бу вилоят халқ хўжалигининг тараққиёти бевосита бутун мамлакат равнақига кучли таъсир этиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, Самарқанд вилояти ҳаётида сўнгги йиллар мобайнида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. Чунончи, халқ хўжалиги тармоқларида иқтисодиётнинг кўп қиррали шакллари пайдо бўлмоқда, кўпчилик саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хўжаликлар давлат тасарруфидан чиқарилган. Вилоятда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари учун бинолар қурилиши, ободонлаштириш ишлари сезиларли даражада амалга ошириляпти.

Вилоят ҳаётида эришилган ютуқлар ва меҳнат натижалари, албатта, мавжуд. Буни ҳеч ким инкор қилолмайди.

Лекин бугунги учрашувимизнинг мақсади йўл қўйилган камчиликларнинг асосий сабаблари ва илдизлари ҳақида, мутасадди раҳбар ва ходимларнинг масъулияти ҳақида бўлиши керак. Нимага деганда, кейинги йиллар давомида Самарқанд вилояти ҳаётида анча ташвишли ҳолатлар ва воқеалар содир бўлмоқда. Бунга эътибор бермаслик, лоқайдлик билан қараш мумкин эмас.

Бугунги Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларида мавжуд бўлган вазиятни, иқтисод, унинг тармоқларининг ривожланишини холисона таҳлил қилганда, кўпгина жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилганини кўриш мумкин.

Кўп соҳаларда, қадрлар, раҳбарлар фаолиятида талабчанлик кескин пасайиши, хўжакўрсинчилик ҳолатлари кўзга ташланади.

Бугунги энг долзарб масала — ислоҳотларнинг бориши, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши қониқарли эмас.

Вилоятда бозор муносабатларини шакллантириш борасида 74 фоиз корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилган. Қишлоқ хўжалигида 1,9 минг деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, кичик ва хусусий корхоналар сони 3 мингга етди. Лекин шунга қарамасдан, ислоҳотларни амалга ошириш ишларида суст кетишлик, бепарволик, ҳар хил поғоналарда тўсқинлик ҳоллари юз бераётгани яққол сезилиб турибди.

Ташкил этилган 323 ҳиссадорлик жамиятидан фақат 37 ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини сотган, бу эса бор-йўғи акциядорларнинг 11,5 фоизини ташкил этади. Бу республика миқёсида энг паст кўрсаткичдир. Республика фонд биржасида акцияларни сотиш масалалари умуман вилоят раҳбарларининг назаридан четда қолиб, бу кўрсаткич жорий йилнинг ўтган 10 ойида 9 фоизни ташкил қилади, холос.

Ургут, Пастдарғом, Нарпай, Оқдарё, Булунғур, Жомбой, Каттақўрғон туманларида акцияларни биржаларда сотиш ташкил этилмаган ва бу борада раҳбарларнинг саъй-ҳаракати сезилмаяпти. Бугунги кунда 42 ҳиссадорлик жамияти очиқ турга айлантирилмаган.

«Ким ошди» савдосига қўйилган кўчмас мулк, ер участкалари сотилиши масаласига Каттақўрғон шаҳри (Б. Зокиров), Нарпай (С. Бобомуродов), Пастдарғом (Ш. Эсонов), Пахтачи (Ч. Норбўтаев), Қўшработ (М. Қўшбоев) туманлари ҳокимликлари ўта совуққонлик билан қарашмоқда.

Чорва фермаларини хусу-

(Давоми 2-бетда).

ҚАРДОШЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ҚУТЛУҒ ҚУРУЛТОЙ

21 ноябрь куни Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида Марказий Осиёда истиқомат қилаётган қардош халқлар вакилларининг қурултойи тантанали равишда очилди.

Қурултой унда иштирок этиш учун келган қардошларимиз — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари вакиллари бўлмиш таниқли адиблар, олимлар, маданият ва санъат арбобларининг улуғ мутафаккир ва шоир Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб, буюк бобокалонимиз руҳини ёд этишдек ибратли зиёрат билан бошлангани бежиз эмас. Зотан, ҳазрат Навоий бундан 600 йилча илгари кўҳна Турон замини халқлари маданиятларининг муштараклигини, тарихи ва тақдири узвийлигини таранним этган, ана шу ҳамжиҳатлик ва муштараклик ғояларини тарғиб қилган улуғ башоратгўй сиймодир.

Қурултойни ташкилот қўмитасининг раиси, таниқли қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов қисқача кириш сўзи билан очди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг қурултой қатнашчиларига табриклари ўқиб эшиттирилди.

Қурултойда анжуман ташкилот қўмитасининг раиси Чингиз Айтматов маъруза қилди.

— Биз Тошкентга ўзимизнинг ташвиш ва муаммоларимизни, орзу ва истакларимизни, энг яхши нияту режаларимизни биргаликда, баҳамжиҳат муҳокама қилиш учун, қолаверса, Марказий Осиё минтақаси замонавий маданиятининг бугунги аҳволини таҳлил этиш ҳамда ягона бир фикрга келиш, ибратли хулосалар чиқариш учун тўпландик, — деди Чингиз Айтматов.

Маъруза юзасидан қурултой делегатлари — Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қаипбергенов, Қозоғистон халқ ёзувчиси Абдижамил Нурпеисов, Қирғизистон маданият ишлари вазири Чолпонбек Базарбаев, Тожикистон Фанлар академияси академиги Муҳаммад Осимов, қозоғистонлик таниқли шоир Мухтор Шаханов ва бошқалар сўзга чиқди.

Анжуман қатнашчилари минтақа илмий-адабий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси»ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Шундай қилиб, Марказий Осиёда минтақа маданияти ва санъати ривожига ҳисса қўшиш учун бел боғлаган янги бир тузилма — ҳукуматга алоқадор бўлмаган ташкилот дунёга келди.

Делегатлар ассамблея раҳбарлигига кўрсатилган номзодлар учун овоз бердилар. Атоқли адиб Чингиз Айтматов ассамблея президенти, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов биринчи вице-президент этиб сайланди.

Қурултой аҳли Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига мурожаатнома қабул қилди.

Анжуман сўнгида беш республика санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИГА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз дўстлар, биродарлар!

Марказий Осиёдаги қардош халқлар вакилларининг қурултойи минтақанинг ижтимоий ва маданий ҳаётида катта воқеадир. Халқларимиз азалдан қон-қардош халқлардир, бизнинг динимиз ҳам бир, анъаналаримиз ва урф-одатларимиз ҳам ўхшаш. Халқларимизнинг маданияти ва санъати ажралмас, ягона яхлит маданият ва санъатдир. Бу анжуман, бу ҳаракат беш мустақил давлат ҳаётида, ҳар бир киши ҳаётида жуда катта ўрин тутди. Бу ҳаракат ва анжуман фан, маданият ва адабиёт соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берибгина қолмай, айни пайтда қардош республикаларимизни бир-бирига тағин ҳам яқинлаштирди, қардошлик қонунларига мувофиқ тинчлик ва осойишталикда яшаш имконини берди.

Анжуман иштирокчилари маданиятларнинг бундан буён ҳам ўзаро қўшилиб, бир-бирини бойитиши учун, халқларнинг тарихий ва маданий, маънавий қадриятларини қайта тиклаш учун, янги, ёш давлатларимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнини тезлаштириш учун бундан буён ҳам қўлларидан келадиган ҳамма ишни қилаверадилар.

Биз ҳаммамиз бир минтақада яшаймиз, шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг тақдиримиз ва келажагимиз ҳаммани ҳаяжонга солмай қўймайди, ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Қўлни-қўлга берайлик. Бугун биз халқ тафаккури ва донишмандлиги, унинг улкан тарбиявий аҳамиятини бутун дунёга намоён қилишимиз лозим.

Марказий Осиё халқлари азалдан қардошлик алоқалари, маданияти, ёзувчилар ва шоирларнинг буюк ижоди билан машҳур. Биз анжуманимиз бу муқаддас ишда янги саҳифалар очиши учун барча ишни қиламиз.

ҚУРУЛТОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАБ

22 ноябрь куни Тошкентдаги «Туркистон» саройида Марказий Осиёда истиқомат қилаётган қардош халқлар қурултойи якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари, Марказий Осиё республикалари журналистлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган хорижий мамлакатлар мухбирлари қатнашди.

Анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси президенти Чингиз Айтматов қардош халқлар қурултойи ишининг якунлари хусусида сўзлади.

— Қурултойда ана шу нуфузли анжуманни ўтказишда ташаббус кўрсатган минтақа илмий-ижодий жамоатчилиги халқаро ҳаракатини «Марказий Осиё мамлакатлари халқлари маданият арбоблари ассамблеяси» деб аташга қарор қилинди, — деди Ч. Айтматов. — Зотан, биз минтақадаги барча халқларнинг ялпи дўстлиги, жами маданиятларимизнинг янада яқинлашуви, бирлашуви, тараққиётимиз.

Анжуманда ассамблея биринчи вице-президенти О. Ёқубов ҳамда тузилманинг бошқа раҳбарлари ҳам журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

(ЎзА).

ХДП: ҳисобот-сайловлар

ЮКСАК ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган нуроний отахонларимиз ва мунис онахонларимиз кексалик гаштини суриш билан бир қаторда, жамоат ишларида фаол иштирок этмоқдалар. Улар ўзларининг бой тажрибаларини, билим ва маҳоратларини ёшларни халқимизнинг энг яхши анъаналари ҳамда урф-одатлари асосида, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, қарияларнинг ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини яхшилашга, меҳнатга яроқли кексаларнинг иш билан бандлигини таъминлашга, марҳумларнинг хотирасини абадийлаштиришга бағишлашяпти. Бу — Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ХДП бошланғич ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилишида таъкидлаб ўтилди. Маърузачи — бошланғич партия ташкилоти котиби, истеъфодаги генерал-лейтенант С. Охунжонов ҳамда музокарада сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларни, ҳукуматимизнинг юртимизда ҳуқуқий, демократик давлатни, адолатли жамиятни барпо этиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар ўртасида осойишталик ва миллатлараро тотувликни сақлаш сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар.

Шу билан бирга, йиғилишда фахрийларга маданий-маиший хизмат кўрсатишда қатор камчиликлар мавжудлиги кўрсатилиб, бунинг учун коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш, савдо, маданият ва транспорт ташкилотлари танқид қилинди. Мазкур идоралар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишда партиявий талабчанликни кучайтириш лозимлиги ҳақида гапирилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов йиғилишда нутқ сўзлади. Партиямиз, деб таъкидлади биринчи котиб, республикамиз фахрийлар ташкилотлари фаолиятини юксак қадрлаб, уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келаётир. Фашистлар Германияси устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига уларнинг ташаббуси билан кўпжилдли «Хотира китоби» нашр қилинганлиги, фахрийлар ёшлар тарбияси билан астойдил шуғулланаётганликлари, аҳоли турли қатламлари орасида Президентнинг Ўзбекистонни ривожланган, маърифатли давлатга айлантиришга қаратилган йўлини изчил тушунтираётганликлари, кичик корхоналар ташкил қилиб, кексаларнинг моддий таъминотини яхшилашга, халқимиз фаровонлигини оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганликлари шундай эзгу ишлар жумласига киради.

Ўзбекистон ХДП ўзининг дастурий ғоялари ва мақсадларини рўёбга чиқаришда фахрийлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ишламоқда. Унинг самараси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказилган сайловларда яққол намоён бўлди. Партиямиз мамлакат парламентида ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида уруш ва меҳнат фахрийларининг манфаатларини бундан кейин ҳам ҳимоя қилаверади.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига мактуб йўллаб, унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТ 50 йиллигига бағишланган махсус тантанали йиғилишида сўзлаган нутқида баён этилган ғоя ва қоидаларни маъқулладилар.

С. Охунжонов яна бошланғич партия ташкилоти котиби этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши иккинчи котиби В. Медведев қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Газетанинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун

бир йилга — 1086 сўм,

олти ойга — 543 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун

бир йилга—1210,80 сўм,

олти ойга — 605,40 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун

бир йилга — 876 сўм,

олти ойга — 438 сўм.

Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун

бир йилга — 1211 сўм,

олти ойга — 610 сўм.

Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

сийлаштиришда, деҳқон хўжаликларини ташкил этишда маҳаллий ҳокимиятлар ўз таъсирини кўрсатмасдан четда қолишган. Янги мулкдорлар ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч қандай ҳужжатга эга эмаслар. Ташкил қилинган кўп ташкилотлар назоратсизлик оқибатида ўз фаолияти жараёнида дастурий йўналишини ўзгартириб, оддий тижорат-фирма дўконларига айланиб қоляпти.

Чет эл инвестицияларини жалб этиш, қўшма корхоналар тузиш ишлари ҳам қониқарсиз аҳволда. Ташкил этилган 92 қўшма корхонанинг ярмидан кўпи мутлақо фаолият кўрсатмаяпти.

Иқтисод ривожида йўл қўйилган оқсоқлик, авваламбор, ишлаб чиқариш, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги тараққиётида кўзга ташланмоқда.

Вилоятда 1994 йилнинг шу давридагига қараганда ишлаб чиқаришнинг пасайиши давом этмоқда: саноат маҳсулоти **81,5 фоиз**, халқ истеъмоли моллари **77,5 фоизни** ташкил қилди. Вилоятнинг **152** корхонасидан **101** таси ишлаб чиқариш суръатини пасайтириб юборган, улардан **30** корхона 1994 йилнинг 9 ойидагига қараганда икки баравар кам маҳсулот ишлаб чиқарди.

Гўшт ишлаб чиқариш **27 фоизга**, сут маҳсулотлари — **52**, қандолатчилик — **69**, ип газламалар — **70**, шойи — **36**, трикотаж буюмлари — **45** фоизга камайиб кетди. Ишлаб чиқарилган **723 млн. сўмлик маҳсулот** сотилмасдан турибди.

Сўнгги йиллар мобайнида капитал қурилиш соҳасида сезиларли даражада ижобий ўзгариш йўқ. **Мактабларнинг ишга туширилиши ўтган йилга нисбатан 50 фоизга камайиб кетган. 1995 йил мобайнида вилоят бўйича ўзлаштирилган капитал маблағларнинг атиги — 1-2 фоизи соғлиқни сақлаш ва халқ таълими соҳасидаги қурилиш ишларига сарфланган.**

Капитал маблағларни ўзлаштириш Булунғур, Қўшработ, Жомбой, Пойариқ туманларида икки баробар камайиб кетган. Вилоятда якка тартибда уй-жой қурилиши учун қарз сўраб мурожаат қилган **9 минг фуқародан 1 минг 700 кишига 19,1 млн. сўмлик маблағ берилган, холос.**

Ҳурматли биродарлар!

Маълумки, аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ижтимоий соҳа муаммоларини ҳал этишнинг муҳим бўғинидир. Кейинги икки йил ичида мамлакатимизда бу соҳада кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳатто айрим мутахассисларнинг фикрича, ана шу икки йил ичида бажарилган ишлар кўлами якин ўтмишимиздаги 15-20 йиллик иш ҳажмидан ортиқроқдир. Бу гапларда жон бор. Ташкилот ва муассасаларга эркинлик берилди. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлигида улар ўз маблағлари ҳисобига водопровод ва табиий газ шохобчаларини кенгайтирмоқдалар. Ташаббускорлик, уддабуронлик ўз самарасини бермоқда.

Бироқ Самарқандда бу борада амалга ошириладиган ишлар ачинарли аҳволда.

Вилоятнинг 30 фоизга яқин аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Умуман олганда, вилоят аҳолисининг 73 фоизи табиий газдан фойдаланмоқда, лекин **қишлоқ худудларида газлаштириш фақат 63 фоизни ташкил этади**. Шунга қарамасдан вилоят раҳбарияти жорий йилда газ ва сув таъминоти ишларини суст олиб бормоқда.

Ҳозирги кунда вилоятдаги 2060 қишлоқнинг 43 фоизи табиий газ ва марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. Қўшработ, Ғўзалкент, Иштихон ва Оқдарё туманларида табиий газ таъминоти вилоятдагига нисбатан 4-5 марта камдир.

Вилоятдаги **экологик аҳвол** йил сайин ёмонлашиб бормоқда, очиқ сув ҳавзаларига чиқиндилар ташланмоқда, ахлатни қайта ишлаш заводи кўп йиллардан бери ишга туширилган эмас. Вилоят мутасадди раҳбарлари бу масалага жиддий эътибор бераётганлари йўқ.

Молия, банк тизимини такомиллаштириш борасида республика миқёсида кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Лекин вилоятнинг молия масалаларини таҳлил қилганда йўл қўйилаётган тартибсизликлар йилдан-йилга авж олиб бораётгани яққол кўзга ташланади.

Шу йилнинг 9 ойида назораттафтиш бош бошқармаси томонидан корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молия-хўжалик **фаолиятлари бўйича 586 марта тафтиш ва текширишлар ўтказилди.**

Аниқланган зарар 1994 йилнинг шу даврига нисбатан 15 баравар ёки 10,1 млн. сўмга ортган, шундан **262** та ташкилотларда **3,6 млн. сўмлик** камомад ва ўғирлик содир этилган. Бу эса ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 8,6 мартага кўп.

Масалан, Каттақўрғондаги Улуғбек номли «Ёг-мой» ҳиссадорлик жамиятида маҳсулот сотишда тегишли назорат ўрнатилмаганлиги сабабли моддий жавобгар шахс Н. Тожиев 17,8 тонна ёки 464 минг сўмлик ёг камомадига йўл қўйган.

Жорий йилнинг 9 ойида вилоят бўйича муомалага қўшимча **1,2 млрд. сўм** жалб этилган. Вилоятда **эмиссия миқдори 5,6 фоиз қилиб белгиланган ҳолда Нуробод, Ғўзалкент, Иштихон, Челак ва Пойариқ туманларида бу кўрсаткич 60-90 фоизни ташкил қилади.** Умуман вилоятда эса эмиссия миқдори 29 фоизни ташкил қилади, бу республиканинг ўртача кўрсаткичидан 7,9 фоиз юқори даражада қайд этилган.

Касса тартибини бузиш, маблағларни ноаниқ йўналишда ишлатиш вилоятда оддий ҳолга айланган. Шу турдаги ноқонуний операциялар натижасида шаҳар ва туманларда 25 млн. сўмлик маблағ ноўрин сарфланишига йўл қўйилган.

Ташкилот ва корхоналарнинг умумий дебитор қарзлари 4,1 млрд. сўм, кредитор қарзлари 3,9 млрд. сўм бўлиб, унинг пасайиш даражаси сезилмаяпти. Ўз ишини ижобий томонга ўзгартирмаган 15 корхона ва ташкилот касодга учраши кутилмоқда. Шунингдек, «Ўзбексавдо» уюшмасига қарашли 5 та ташкилот тамомила касодга учради.

Банк тизимидан унумли фойдаланиш, олинган қарзларни вақтида қайтариш, ташкилотларнинг бир-бири билан ҳисоб-китоб қилиши, корхоналарнинг молиявий аҳволидан хабардор бўлиш каби долзарб масалаларга вилоят ҳокимияти томонидан эътибор берилмаган.

Хусусий ва тижорат тузилмалари вилоят марказий банкининг инкассация аппарати билан шартномалар тузмаганликлари учун савдодан тушадиган нақд пулларни банк кассаларига тўлиқ топширмаяптилар. Натижада, аҳолига иш ҳақи ва нафақаларни ўз вақтида беришда кўп муаммолар туғилмоқда. **Шу йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра тўланмаган иш ҳақи ва нафақаларнинг миқдори 281 миллион сўмни ташкил этади.**

Мулк эгалари давлат солиқлари ҳақидаги қонунни бемалол бузиб, ўғрилик, талон-торожликка йўл қўймоқдалар. Вилоятда бугунги кунда 14 солиқ туридан 5 тури бўйича режа бажарилмаган.

1994 йилда 5319 та ташкилот ва юридик шахслар текширилган, шундан 1694 тасида солиқ қонунлари бузилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида вилоят бўйича 4300 текширишдан 734 тасида солиқ қонунлари кўпол равишда бузилгани аниқланди. Бу корхоналардан бюджетга 43,5 млн. сўм қўшимча кирим қилинди. 191 та тафтиш ҳужжатлари маъмурий органларга тергов учун жўнатилди.

Албатта, назоратни кучайтириш, молиявий муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бу масаланинг бир томонигина, холос. Агар банк тизимидан унумли фойдаланиш зарур бўлса, олдин қонунбузарликка йўл қўймаслик йўлларини излашимиз, қонунга ҳурмат билан қараш ва унга қатъий амал қилиш каби маънавий-ахлоқий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш керак, деб ўйлайман.

Агар ҳар бир киши ўз жойида, ўз ишмати доирасида қонунга амал қилиб яшашни ҳаёт тарзига, меҳнатга муносабатнинг ахлоқ нормаларига айлантира олсагина ортиқча назоратга ҳожат қолмайди.

Сиз, азиз дўстлар, шу залда ўтирганларнинг ҳар бири қайсидир муҳим участканинг раҳбарисиз. Бу гаплар энг аввало сизларга, ундан кейин эса сизлар орқали барча хизматчиларга тегишли.

Энди маиший хизмат соҳасидаги айрим муаммолар ҳақида икки оғиз сўз. Айниқса, қишлоқ аҳолисига маиший хизмат кўрсатиш талаб даражасида ташкил этилмаган. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш, маданий-маиший асбоб-ускуналарни, кир ювиш, мебелларни таъмирлаш, кимёвий тозалаш, ижарага бериш бўйича маиший хизмат турлари кескин камайди. Вилоят «Маишийхизмат» уюшмаси республика тармоқ корхоналари орасида охирги ўринлардан бирида турибди.

Кимёвий тозалаш хизмати Булунғур, Ғўзалкент, Пойариқ, Каттақўрғон, Қўшработ туманларида умуман ташкил қилинмаган. Кир ювиш, бичиш-тикиш, прокат хизмати мавжуд туманларнинг ярмида умуман фаолият кўрсатаётгани йўқ. Қишлоқларда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг умумий аҳволи таҳлил қилинганда, Жомбой туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг 5 та қишлоғида ҳаммом, музлатгич, телевизор, радио таъмирлаш устахоналари йўқлиги аниқланди.

Челак, Пойариқ, Оқдарё туманларининг аксарият қишлоқларида ҳатто сартарошхоналар ҳам йўқ. Бу ана шу туманларда турмуш маданиятининг нақадар ночорлигидан ва ҳатто аянчли эканлигидан далолат бермайдими?

Сартарошхона қурилиши ё қайсидир пойабзал таъмирлайдиган, бичиш-тикиш шохобчаларини қуриш ишига мамлакат Президенти аралашиши керакми?

Булар учун жавобгар шахслар ана шу залда ўтиришибди. Туман ҳокимлари учун шу аччиқ дашномларни эшитиш ёқимлими?

1995 йилнинг 9 ойи давомида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш жон бошига 300 сўмни ташкил этди. Бу республика ўртача кўрсаткичидан 32 фоиз камдир.

Вилоятда аҳоли сони ҳар йили 40-50 минг кишига кўпаяётган бир даврда аҳолини ижтимоий фойдали иш билан таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Иш сўраб мурожаат қилувчилар кўпаймоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида 12,3 минг нафар ёрдам сўраганларнинг 50 фоизидан ортиғининг талаби қондирилмади.

Вилоятнинг қишлоқ жойларида аҳолини иш билан банд қилиш масаласи асосий муаммо бўлганлигига қарамасдан, 2060 қишлоқнинг 1248 тасида, яъни 61 фоизида кичик корхоналар ҳанузгача ташкил қилинмаган.

Узоқ-узоқ қишлоқларда яшовчи деҳқон бузилиб қолган телевизорини ёки музлатгичини отаравага юклаб туман марказидан уста топа олмай шаҳарга қатнаши керакми?

Агар шаҳарда — вилоят марказида ҳам маиший хизмат ана шундай аҳволда бўлса-чи? Унда қаёққа борсин?

Пул эмиссияси хусусида кўп гапирамиз. Пулни хизмат соҳасини кенгайтириш — эмиссиянинг олдини олишнинг муҳим йўлларидан бири. Бунинг учун ҳар бир қишлоқда, ҳар бир аҳоли яшайдиган манзилда радио-телевизор тузатадиган, электр асбобларини таъмирлайдиган устахоналар қуриш керак. Одамлар бир кўча нарига ўтмасданоқ бутун эҳтиёжини қондирадиган, беминнат хизматдан фойдаланадиган бўлсин.

Нега бизнинг қишлоқларимизда суратхоналар йўқ? Кир ювиш ва тозалаш муассасаларини ташкил этиш қийинми?

Ҳамма гап хўжалик ва ташкилот раҳбарларида, уларнинг ташаббускорлиги ва янгича ишлашга иштиёқмандлигида.

Раҳбар ташкилотчи бўлса, сезгир ва эпчил бўлса, имконият излайди. Бу мисоллар жойларда боқимандаликка, ўзибўларчиликка қўникиб кетган, эскича иш қолипидан чиқолмаётган раҳбарлар ишлаётганидан далолат беради.

Ахир минг кишилик жамоадан ўнта йигит-қизни маиший хизматнинг турли соҳалари бўйича мутахассисликка тайёрлаш шунчалик қийинми?

Тегишли асбоб-ускуналарни келтириб, қулайроқ жойда ўрнатиш катта ақл ёки меҳнат талаб қиладиган иш эмас-ку? Аҳолига хизмат кўрсатиш йўли билан ҳам уларнинг оғирини енгил қилиш, ҳаётига янги мазмун бериш, кайфияти ва руҳиятини кўтариш мумкин. Айни пайтда у жамият умумий маданий қиёфасини ҳам белгилайди.

Яна бир масалага — алоқа хизматига диққатингизни тортмоқчиман. Жуда кўп туманларда бу масалага умуман эътибор берилмайди. Телефонлари ончамунча мавжуд бўлган жойларда ҳам одамларнинг узоғини яқин қилиш ўрнига кўпроқ асабини ишдан чиқаришдан бошқа нарсага ярамайди. Умуман олганда, ҳар бир хонадон телефон хизматидан бахраманд бўлмоғи керак. Бу ҳам пулли хизматнинг бир тури.

Халқимиз меҳнаткаш, меҳнатга ижодий ёндошадиган, тадбиркор ва бунёдкор халқ. Унга имконият керак, холос.

Бу — масаланинг биринчи томони. **Иккинчи томони — ҳуқуқий кафолат.** Айни пайтда мамлакатимизда ана шу иккинчи жиҳатнинг асоси яратилган. Меҳнат қиламан, ишлайман, интиламан, бунёд этаман деган кишига ҳар томонлама ҳуқуқий кафолат берилган.

Бироқ кўп жойларда аҳоли турли расмиятчилик ва тўрачилик иллатларига дуч келмоқда. Таъмагирлар, назари паст кимсалар **«Сендан угина, мендан бугина» қабилида иш тутиб, одамларнинг ташаббусларини бўғишмоқда.**

Демак, юқорида айтганимиздек, масаланинг биринчи томони — маънавий-ташкилий жиҳатлари маҳаллий ҳокимият органлари доирасида оқсаб қолмоқда.

Лекин бошқа соҳаларга нисбатан, вилоятда энг ачинарли аҳвол — барчамизни боқадиган, халқимизнинг ризқ-рўзини берадиган қишлоқ хўжалиги тармоқларида. **Вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва давлатга сотиш топшириқлари сўнгги уч йил ичида сурункасига бажарилмади.**

Шу давр мобайнида пахта етиштириш ва сотиш **110 минг тоннага камайди.** Вилоятда пахта тайёрлаш режаси бу йил ҳам уддаланмади. Пахта етиштирувчи 11 тумандан атиги 4 таси йиллик режани бажарди.

Пахтачиликдаги бундай орқага кетишларнинг асосий сабаблари **қишлоқ хўжалиги вилоят раҳбарлари учун бамисоли бир ўғай соҳага айланиб қолгани**, хўжалик, туман ва вилоят раҳбарларида ташкилотчилик, тадбиркорлик савиясининг пастлиги билан изоҳланади.

Вилоят, туман ҳокимлари, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари республикада ғалла мустақиллигига эришиш йўлида олиб борилаётган давлат сиёсатини тўғри англаб етмай, бу ишга ўта масъулиятсиз муносабатда бўлмоқдалар.

1993—1994 йиллардаги режанинг барбод бўлишига қарамай, бу йил ҳам мўлжалланган мақсадга эришиш учун **90 минг тонна дон кам етиштирилди. Гектар бошига белгиланган 19,4 центнер ўрнига 15,9 центнер ҳосил олинди.**

Суғориладиган ердан олинган ҳосил Челак, Булунғур, Ғўзалкент туманларида 24—27 центнердан, лалми ерлардан Каттақўрғон ва Пахтачида 4,4, Қўшработ ва Пойарикда 4,9, Нурободда 5,6 центнердан ошмади. Бундай ҳолни қандай изоҳлаш мумкин?

Шу билан бирга вилоят ҳокимининг шахсан назоратсизлиги туфайли дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси (директори Р. Аҳмедов) томонидан хўжаликлар билан давлат режасидан ошиқча қабул қилинадиган дон учун эркин нархда сотиб олиш тоннага тузилган. **Топшириққа нисбатан давлатга ғалла сотиш 80 фоизга бажарилди.**

Ғалла йиғим-терими даврида маъмурий орган ходимлари томонидан 101 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқланиб, шундан 25 таси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Иштихон тумани «Меҳнат — роҳат» жамоа хўжалигидаги деҳқон хўжалиги бошлиғи С. Отаханов 16,3 тонна донни ўғирлаётганда қўлга тушди. Ҳозирги пайтда тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бу вилоят раҳбарларининг ва ғалла йиғим-теримига жавобгар бўлган шахсларнинг масъулиятсизлиги, лоқайд ва келишувчилиги оқибати эмасми?

Шаҳар аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлаш учун ким масъул? **Нима учун биз енгил-елпи йўллар қидирамиз? Қачон ҳақиқатга тик қарашга ўрганамиз?**

Ўтган йили 1992 йилга нисбатан 126 минг тонна сабзавот, 32 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,7 минг тонна картошка кам тайёрланди.

Вилоятда чорвачилик соҳаси салмоқли ўринни эгаллаб турганлигига қарамасдан бу муҳим тармоқ ҳамон оқсаб қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари, **биринчидан,** хусусийлаштирилган чорвачилик фермаларида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни бозор муносабатлари даражасида олиб борилмаётганлиги бўлса, **иккинчидан**, чорва молларининг талаб даражасида озиқлантирилмаётганлиги, наслчилик ишларининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, зоотехник ва ветеринария хизматларининг мутлақо талабга жавоб бермаётганлиги оқибатида моллар бош сони ва уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетган. Халқ истеъмоли учун асосий маҳсулот гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажмлари аввалги йилларда эришилган кўрсаткичлардан ҳам пасайиб кетган.

Вилоят агросаноат мажмуига (А. Қаландаров) қарашли хўжаликларнинг асосий қисми оғир иқтисодий аҳволда бўлиб, ҳозирги кунда дебитор қарзлари 1,9 миллиард сўмни, кредитор қарзлари 1,6 миллиард сўмни ва банкдан ссуда қарзлари эса 520 миллион сўмни ташкил этади.

Белгиланган режалар бажарилмаганда бундай инқирозга тушиш табиийдир. Бундай ҳолатлар ҳақида, уларнинг сабаб-илдизлари ҳақида кўп гапирамиз. Мулк эгасини топмагунча, ерга ҳақиқий эгалик ҳуқуқи қўлга киритилмагунча кўзланган мақсадга етиб бўлмаслиги ҳақида кўп гапирамиз.

Нима, Самарқандда ўрганишга арзигулик, эргашса бўладиган тажрибалар йўқми? Мисол учун Самарқанд туманида амалга оширилаётган ишлар, халқ хўжалигини ислоҳ қилиш борасида тўпланган тажрибалар ўрганилса бўлмайдими?

Туман ҳокими (Р. Ҳакимова) ўз атрофида эпчил ва ҳозиржавоб кадрларни тўплагани, ташкилот ва хўжалик раҳбарлигига ҳар томонлама етук, ислоҳотлар моҳиятини тушунадиган одамларни танлаб қўйгани учун ҳам бу ерда ўрнак бўларли ишлар амалга ошириляпти.

Вилоят деҳқонларининг ўзига хос деҳқончилик анъаналари, асрлар давомида шаклланган тажрибалари ва ўз иқлим шароитидан келиб чиққан деҳқончилик мактаби мавжуд. Қани бу тажрибалар? Бу улуғ ва муқаддас мактаб сабоқлари қаерда қолди? Нега биз уларни унутишимиз керак? Биздаги масъуллик, фидойилик, эртаги кун олдидаги жавобгарлик ҳислари қаерда қолди?

Ҳурматли вилоят ноиблари ва фаоллари!

Республика ҳукумати ва давлатимиз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказиш сиёсатини ҳозирги куннинг энг долзарб масаласи қилиб қўяётган бир пайтда, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш борасида вилоятда олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Сурункасига бир неча йил давомида ўткир ичак касаллиги, вирусли гепатит, тиф ва паратиф каби юқумли касалликлар мамлакат кўрсаткичларидан ҳам 2-3 марта ортиқдир.

Вилоятдаги 20 ёшгача бўлган оналарнинг туғиш давридаги ўлими республикада энг юқори даражада туради. Оналар ва болалар ўлимининг олдини олиш учун бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган, натижада оналар ўлими республика кўрсаткичидан ҳам 15 фоиз юқори туради.

Чақалоқлар ўлимининг 70 фоизидан зиёди ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилмаганлиги натижасида содир бўлган. Сил ва рак касалликлари даволаш ҳеч қандай натижа бермайдиган ҳолга келиб қолгандагина аниқланмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника аҳволи ташвишли ҳолда. Тиббий ускуналарга бўлган эҳтиёж қондирилмаган, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги сабабли қатор ускуналардан фойдаланилмаяпти. Вилоятда мавжуд **1091** қишлоқ врачлик амбулаторияси ва фельдшерлик-доялик пунктларининг 34 фоизи ичимлик суви билан таъминланмаган, уларнинг атиги 7 фоизи махсус замонавий биноларга жойлаштирилган, 78 фоизида телефон алоқаси йўқ. Бу эса беморларни даволашда салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан биргаликда аҳоли соғлиғини сақлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш борасидаги давлатимиз юритаётган сиёсатни амалга оширишга вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари (Ж. Эшқобилов) жиддий эътиборни қаратмаяптилар. Нима деганда раҳбарларнинг аксарияти ана шу туманлар марказларида яшайди-да. Шунинг учун, эҳтиёжмолки, олис қишлоқлардаги аҳоли соғлиғи учун ҳам жон куйдирмайди, уларнинг ташвишига бефарқ қарайди.

Мактаб, халқ таълими ислоҳоти бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам қониқарли эмас. Кўплаб аниқ фанлар бўйича ўқитувчилар етишмайди. Мактаблар таъмирлашга муҳтож, моддий-техника базаси жиддий эътиборни талаб қилади.

Ҳозирда вилоят бўйича 51 та мактаб авария ҳолатида, 30 фоиз мактаблар мослаштирилмаган биноларга жойлашган. **Вилоят бўйича 9 ойда халқ таълими учун ажратилган бюджет маблағларидан 136 миллион сўм сарфланмай қолди.**

Вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарларининг бепарволиги, ўз ишига масъулият билан қарамаганлиги, ҳамон эскича иш услубидан чиқа олмаётганлиги, халқ таълими тизимини бошқаришдаги янгиликларни сингдира олмаётганлиги ва амалиётга тадбиқ эта олмаётганлиги сабабли бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмаган. Шу аҳволда мазкур соҳада бундан кейин ҳам бирон ижобий ўзгариш бўлишига ишониш қийин.

Бозор иқтисодиёти қийинчиликлари рўкач қилиниб, вилоятда кейинги йилларда 100 дан ортиқ болалар боғчалари ёпилган. Шу туфайли болаларни мактабгача тарбия муассасаларига тортиш 30 фоиздан 22 фоизга тушган.

Ҳукуматимиз фан, маърифат ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда. Ўтиш даврининг энг қийин ва мураккаб пайтида ҳам давлат маорифни такомиллаштириш, билимли ва ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш учун ҳеч нарсани аямаяпти.

Ахир, ўйлаб кўрайлик, биродарлар, биз бугун не-не машаққатлар билан қураётган давлатимиз, мустақил ва ҳар жиҳатдан мустаҳкам мамлакатимиз эртага кимнинг қўлида қолади?

Бугуни катта ислоҳотлар эвазига қўлга киритаётган ютуқларимизни эртага фарзандларимиз давом эттиришга қодир бўладими-йўқми?

Нега биз қарийб бир ярим асрлик мустамлакачиликдан озод бўлганимизда шундай улуғ ва мўътабар Ватанимизни асрай оладиган, уни ҳимоя қила биладиган ва шу олижаноб анъаналарни давом эттиришга қодир бўлган авлодни тарбиялашга шароит яратмас эканмиз?

Ватан ҳисси, ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим. Бизнинг барчамиз, ана шу залда ўтирган ҳар биримиз ота эканлигимизни, она эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Ҳар бир ота-она учун фарзанд камоли, оиласининг шонушухрати муқаддас орзу-ҳавас ҳисобланади. Шундай экан, биз келгуси авлод баркамоллиги учун, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос оқил ва юксак маданиятли кишилар бўлишлари учун доимо эътибор бермоғимиз керак.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос қийинчиликларини рўкач қилиш — ношуд ва ноқобил раҳбарнинг иши. Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг қониқарсизлигини баҳонапараст раҳбарлар ҳеч нарса билан оқлолмайдилар.

Қадрли дўстлар!

Мустақил мамлакатимизнинг халқимиз миллий маданиятини ривожлантириш борасида юритаётган сиёсатини амалга ошириш, маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини халқ онгига сингдириш, инсонни давр талаби асосида тарбиялаш борасида вилоятда етарли чоратадбирлар кўрилмаяпти.

Вилоятда маънавий, ахлоқий қадриятларга эътиборсизлик, умуман маданиятнинг иккинчи даражали соҳага айланиб қолаётганлиги сезилмоқда.

Гарчи Самарқанд илмий-маърифий салоҳияти бўйича ҳамда олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтларининг сони жиҳатидан ҳам етакчи ўринлардан бирида турса-да, **ёшларга таълим-тарбия бериш, миллий мафкурани тарғибот-ташвиқот қилиш ишлари қониқарсиз аҳволда.** Мавжуд маданият уйлари, кутубхоналар, кинотеатрлар, истироҳат боғлари жуда ачинарли аҳволга тушиб қолган.

Ҳозирги кунда вилоятда мавжуд 2060 қишлоқнинг 80 фоизида маданият ўчоқлари умуман йўқ. Гарчи вилоят газетаси саҳифаларида маънавият ва маърифат, миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилишда бир мунча тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ислоҳотларимизга тўсқинлик қилувчиларни, Президент фармонларини бажаришда сусткашлик қилувчиларни фош этувчи материаллар деярли учрамайди.

Газетхонларнинг ариза ва шикоятлари ҳақидаги акс садо йўқ даражада. Вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётини теран таҳлил қилган мақолаларга етарлича ўрин ажратилмаяпти.

Самарқанд радиоси ва телевидениесида бу борада мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мамлакатимизда ва вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва уни янада чуқурлаштириш ҳақида, вилоят ҳаётида рўй бераётган ижтимоий воқеалар тўғрисида етарли ахборотлар берилмаяпти. Вилоят телевидениесида берилаётган кўпгина кўрсатув ва эшиттиришлар **мазмунан ҳамда сиёсий жиҳатдан саёз**, шошма-шошарлик билан эскича услубда тайёрланмоқда. Одамларни қизиқтирадиган, уларнинг диққатини жалб қиладиган танқидий ва муаммоли кўрсатувлар йўқ ҳисоби. Аксинча, телевидение кўпроқ чет эл видеофильмларини намойиш қилиш билан чегараланиб қолмоқда.

Вилоятда физкультура ва спорт ишлари вилоят ҳокимлиги ва бу соҳага мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги ва лоқайдлиги туфайли ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 1995 йилга келиб физкультура жамоалари сони 70 тага камайиб кетган. Спорт заллари, сузиш бассейнлари, спорт майдончалари сони республика кўрсаткичларидан ўртача 2 марта камдир.

Жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ҳар доим ҳам ўз самарасини бермаётганлиги оқибатида вилоят бўйича ашаддий безорилик, гиёҳвандлик, ўғирлик, порахўрлик, таъмагирлик, номусга тажовуз қилиш каби жиноятлар сони ошиб бормоқда.

Республика бўйича оғир жиноятчилик турлари 6 фоизга камайгани ҳолда Самарқанд вилоятида 8 фоизга кўпайган. Айниқса, ўқотар қуроллардан фойдаланиш каби жиноятлар 130 фоизга ошганлиги ҳам оператив вазиятнинг мураккаблашганини кўрсатади.

Вилоятда ташкил қилинган рэкет ва террорчиликка, коррупцияга қарши курашиш бўлими умуман қониқарсиз аҳволда ишламоқда. Ваҳоланки, бундай жиноятларга бошқарув тизимида ҳамда ички ишлар органларида ишлаётган амалдорлар ва бошлиқлар қўл урмоқдалар.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, вилоят ички ишлар ходимларининг бевосита иштирокида 1994 йилда 34 та жиноят содир этилган, шу жумладан 22 та ҳолат айблов хулосалари билан тугалланиб, судларнинг қоралов ҳукмлари чиққан.

1995 йилнинг 9 ойи давомида милиция ходимларига нисбатан 17 та ҳолат бўйича жиноий ишлар қўзғатилган.

Булар босқинчилик, номусга тажовуз қилиш, фирибгарлик, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, тан жароҳати етказиш, порахўрлик, наркотик моддаларни экиш, ташиш ва сотиш каби жиноятлардир.

Масалан, Самарқанд шаҳрида милиция ходими бўлиб ишлаётган Аҳмад Файков ва Шуҳрат Насриддинов фуқаро А. Яҳъёевнинг уйига босқинчилик йўли билан кириб, 2,5 миллион Россия рублини олиб кетганлар. Соқчилик бўлими милиционери Аҳлиддин Умматов 3,9 га. жойга кўкнори экиб, парвариш қилганлиги фош этилди ва у 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Самарқанд тумани ички ишлар бўлими раҳбарларидан бири, милиция майори Т. Ахтамов 40 килограммдан ортиқ кўкнори ширасини олиб кетаётганда қўлга тушган. **Ана энди ўзингиз айтинг: қонун ҳимоячиларининг ўзи жиноятга қўл урса, арзингни айтиб кимга борасан?**

Ички ишлар хизматида юз бераётган бу қўпол равишдаги қонунбузарликлардан генерал Тўхтаевнинг хабари борми?

Суд ва прокуратура (А. Тўхташев, С. Назаров) органларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари аҳолида катта норозилик туғдирмоқда. Ўтган 10 ой ичида Президент девонига вилоят меҳнаткашларидан 561 шикоят келиб тушгани бунинг ёрқин мисолидир. Айрим судьялар судланувчилар ва уларнинг қариндошуруғлари қандай молиявий-иқтисодий имкониятга эга эканликларига эътибор бериб, ҳукмни шунга қараб белгилайдилар.

Агар барча қонун бузилишларга прокуратура органлари мутассадди эканини ҳисобга олсак, унинг қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан назорат қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилишдаги фаолияти ўта суст ташкил этилганидан дарак беради.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоят хўжаликлари томонидан фонддаги 77,6 тонна нефть маҳсулотлари четга чиқарилиши қайд этилди. Масалан, Самарқанд ва Тойлоқ автомобиль йўллар бошқармалари 9 минг литр керосин ва дизель ёқилғисини четга чиқариб юборишган. Бу фактлар вилоят ҳуқуқ-тартибот органларининг самарасиз ишлаётганлигидан далолат беради.

Ислоҳотнинг тақдири, унинг қай даражада амалга оширилиши биринчи навбатда кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишларини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқ. Аммо вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов кейинги олти йил давомида вилоятнинг биринчи раҳбари сифатида кадрларни танлаш ва тарбиялаш, уларни жой-жойига қўйиш, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида билимли ёшлардан иборат кадрлар захираси тизимини яратмаган. Кадрлар билан ишлаш борасида тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Кадрларни шошма-шошарлик билан, ишбилармонлик, касбий ва ахлоқий сифатлари чуқур ўрганилмаган ҳолда масъул вазифаларга тавсия этиш натижасида бир йил ичида Булунғур тумани ҳокими, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят нефть маҳсулотлари корхонаси бошлиқлари икки мартадан алмаштирилган, вилоят «Тадбиркорбанк» бошқаруви эса тўрт ой ичида икки марта янги раис билан алмаштирилган.

Оқибатда, вилоятда эски тузум иш методларидан воз кечолмайдиган ёши ўтиб қолган раҳбарлар сони кўпчиликни ташкил қилади. Улар ҳамон иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган оддийгина қонун-қоидаларни, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини билмайди, оқибатда ўз фаолиятларини давр талабларига мос равишда йўналтира олмаяптилар.

Ёш кадрларни тарбиялаш, уларни ўстириш, йўлни кенг очиб бериш масалаларида ҳамон ўзгариш йўқ.

Юқорида баён этилган камчиликлар ва нуқсонлар вилоят ҳокимининг ташкилотчиликни, ижро интизомини, раҳбар ва мутахассислардан топширилган ишнинг бажарилиши устидан талабчанликни бўшаштириб юборганлиги, баъзи ноқобил, эскича ишлашдан воз кеча олмайдиган раҳбарларга нисбатан муроса қилиб келаётганлиги оқибатидир.

Вилоятда илгари ўз хизмат вазифасини уддалай олмаган, элюрт назаридан тушиб қолган кишиларни лавозим билан «сийлаш» ҳолларига йўл қўйилмоқда. Натижада билимдон, иқтидорли, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган ёшлар эътибордан чет

BETA — UZBEKISTAN COMPANY LTD

ХУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

Машҳур "БЕТА" халқаро ўртоқлик фирмаси
кенг турдаги шоколад маҳсулотлари ҳамда
Цейлоннинг олий навли чойларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ



Таклиф этилаётган турли навли чойлар ўзининг мазаси жиҳатидан бутун дунё бурчакларида маълум ва машҳурдир.

Машҳур чой турлари:
BAYCE TEA (БАЙЖЕ ЧОЙ)
BETA TEA (БЕТА ЧОЙ)
HOWDAH TEA (ХОУДАХ ЧОЙ)
Шоколад турлари:
GOLD GRAND (ГОЛД гранд)
MONDIL (МОНДИАЛ)

Бизнинг манзил:

Тошкент шаҳри,
Усмон Юсупов
кўчаси, 119.

Телефонлар:
48-04-97, 48-05-10
Факс: 48-09-90.

"БЕТА" Ўзбекистоннинг барча аҳолисини шоколад маҳсулотлари ва Цейлон чойи билан таъминлашга ўз улушини қўшади ва уларни харид қилишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.
Улгуржи харидорларга имтиёз берилади.

"БЕТА" — ЎЗБЕКИСТОН СО ЛТД"

Сизга тез ва сифатли хизмат кўрсатади.

Қудратилла Аҳмедович АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раиси Қудратилла Аҳмедович Аҳмедов 1995 йил 21 ноябрь куни 66 ёшида тўсатдан вафот этди.

Қудратилла Аҳмедович Аҳмедов 1930 йили Қозоғистон Республикаси Чимкент туманидаги Қизилжар қишлоғида туғилди. Меҳнат фаолиятини Тошкент қишлоқ хўжалиги институти аспирантурасини тугатгандан сўнг 1955 йилда бошлади. Турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

1974 йили республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — республика давлат Режалаштириш қўмитаси раиси этиб тайинланди.

1986 йилдан Ўзбекистон Республикаси Нархлар бўйича давлат қўмитаси раиси, 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайловини ўтказувчи Марказий комиссия раиси.



Республика мустақилликка эришгандан сўнг 1994 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланди.

Қудратилла Аҳмедович Аҳмедов қаерда ва қайси лавозимда ишламасин, халқнинг қувончини, дарду ташвишини қалбдан ҳис қиладиган раҳбар, давлат ва жамоат арбоби, ҳақиқий инсон сифатида ўзини кўрсатди, Ўзбекистон давлатчилигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди, юртимиз озодлиги ва ободлиги учун жон куйдирди.

Қудратилла Аҳмедович Аҳмедов республика Олий Совети депутатлигига сайланган, кўплаб давлат мукофотлари билан тақдирланган эди.

Таниқли давлат ва жамоат арбоби, ҳақиқий инсон Қудратилла Аҳмедовнинг ёрқин хотираси доимо қалбимизда сақланади.

И. Каримов, Э. Халилов, А. Муталов, И. Жўрабеков, Т. Алимов, Б.Бугров, Б. Шодиева, А. Қосимов, Ғ. Ҳасанов.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС"
ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛОРУСЬ ҚЎШМА КОРХОНАСИ
сўмда пул ўтказиш йўли билан
Тошкентдаги омбордан
турли модификацияли
МАЗ туркумидаги автомобилларни,
МТЗ экскаваторлари ва тракторларини,
автомобиллар ва тракторлар учун
бошланғич бутликдаги: *Д-243, Д-245, ЯМЗ-238-2М* двигателларини ва
уларнинг ёнилғи қурилмаларини
СОТАДИ.
Нархлари завод баҳосидан арзон.

Манзил: Тошкент, Нукус кўчаси, 3-уй, Ш.Руставели кўчаси, 140-уй.
Алоқа учун телефонлар:
(3712) 54-94-11, 54-88-11, 54-99-11, 54-62-43,
54-62-09, 50-45-95, 50-59-18, 50-88-13.

"ЎЗБЕКМАШСЕРВИС" — ҳамкорликка чорлайди!

Даврон

"ДАВРОН" ЖАМОА САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТИБ ОЛИШНИ *ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:*

Эркаклар учун
- Покистонда ишлаб чиқарилган турли ўлчамдаги жинси шимлар;
- Эронда ишлаб чиқарилган спорт кийимлари;
- Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган чармдан тайёрланган оёқ кийимлари;
- Чармдан тайёрланган мавсумбоп куртка ва пальтолар;
- Эркаклар пайпоқлари.

Аёллар учун
- Голландия ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган турли-туман кийим-кечаклар;
- Германия, АҚШ мамлакатларида ишлаб чиқарилган турли хил атир-упалар, кремлар, соч бўёқлари, соч ювиш воситалари, лаб ва қўл бўёқлари;
- Покистонда ишлаб чиқарилган ранг-баранг газламалар.

Болалар учун
- Покистонда ишлаб чиқарилган жинси шимлар;
- Турли ёшдаги қизалоқларнинг бежирим кийим-кечаклари.

Шунингдек, Эрондан келтирилган сирка, лимон шарбати, майонез, турли хилдаги қандолат маҳсулотлари ҳамда печеньелар, салқин ичимликлар.

Мана шулар билан бир қаторда Швейцарияда ишлаб чиқарилган эркаклар ҳамда аёллар қўл соатлари, ундан ташқари, хорижий фармацевтика фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни ҳам

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.
Барча турдаги маҳсулотлар учун тўлов усули турлича.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчасидаги савдо растаси, "Даврон" дўкони. Мўлжал: Ҳамза номли театр биноси рўпараси.

Телефонлар: 44-52-88, 44-65-63. Факс: 44-65-71.

ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизлар учун 1995 йил 22-25 ноябрь кунлари «Молдова ҳамкорликка чорлайди» кўргазмаси ўтказилади. Кўргазмада ультратовуш дефектоскоплар ҳамда қалинлик ўлчагичлар, совутгич-иситгич машиналари, совутгичлар, музлатгичлар, кир ювиш машиналари, майсий насос қурилмалари, электрон-ҳисоблаш техникаси, телевизор, телефон, самовар, мебель, қурилиш фурнитуралари, кийим, пойабзал, гиламлар, чарм маҳсулотлари, сабзавот консервалари, атторлик ва пардоз буюмлари ва бошқа нарсалар намойиш қилинади.

Сизларни ҳар куни соат 10 дан 17 гача кутамиз.

Манзилимиз:
Тошкент, Амир Темур кўчаси, 107-уй.
«Ўзэкспомарказ» 5-павильон.
Маълумот учун телефон: 34-45-45.

ҚОЗОҒИСТОН ШАКАР КОМПАНИЯСИ — ASTANA-HOLDING — ASTANA SUGAR

ШАКАР

Қозоғистондаги омбордан улгуржи етказилади.
Нархи: франко-вагон, Толдиқўрғон-тоннаси
580 $
Имтиёзли чегирмалар
Тел: (3712) 474-550, 424-703
Факс: (3712) 509-929.

ДЕРАЗА ОЙНАСИ

МАНФААТДОР КУШИЛАР ДИҚҚАТИГА!
"Газалкент ойна заводи" акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган дераза ойнаси фақат "Ўзқурилишматериаллари" давлат концернининг "Қурилиш материаллари" савдо уйи орқали сотилади.
Манзил: 700070, Тошкент, Мирқулов кўчаси, 68-а (йўналиш: Бобур боғи).
Тел: (3712) 55-79-19, 55-76-31, 54-55-39, 55-46-92, Факс: (3712) 55-74-66.



ШИФОХОНАЛАР, ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

"Абу Али ибн Сино ва табобат" фирмаси Сизларга 20 дан ортиқ хорижий фармацевтика фирмаларидан келтирилган 400 турдаги энг сифатли ҳамда арзон дори-дармонларни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, қонтомир, жигар, буйрак, астма ва асаб касалликларини даволашга қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса фирмамизга мурожаат қилинг!

Юрак хасталикларига — сустак, нитронг ва уларнинг барча турлари, тери касалликларига — целестодермнинг барча турлари, ошқозон-ичак хасталикларига — гастроцепин, фосфалугель, вентер, зонтак дорилари, қувватга киргизувчи витаминлар — пиковит, таксофит, астма касалликларига — беротек, берадуал каби дориларни ҳамда турли шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламаларни харид қилишингиз мумкин.

Савдо-сотиқ пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Фирма манзили: Тошкент шаҳри, Собир Рақимов тумани, Себзор даҳаси, 1-А уй (метронинг "Ғафур Ғулом" бекати).
Телефонлар: 44-24-34, 40-44-83, 40-48-06.
Факс: 40-48-53.

Сизларга ҳар доим соғлик, туман бойлик тилаймиз!

«Сарбаст» илмий ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг йўқолган №0069396 сонли лимитланган миллион сўмлик чек дафтарчаси **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Узбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси раиси

Қудратилла АҲМЕДОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти раҳбарияти ва жамоаси «Машиналар пухталиги ва таъмирлаш» кафедрасининг мудири, академик Шукрулло Убайдуллаевич Йўлдошевга онаси

Фирдаусхон ая МУҲАММАДЖОНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва «Саодат» журнали жамоаси Тошкент шаҳридаги 22-меҳрибонлик уйи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан ўқитувчи

Антонина Павловна ХЛЕБУШКИНнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

„МУЛОҚОТ“ саҳифаларида

Ўзбекистон зиёлилари орасида ўз нуфузи ва ҳурматини топган «Мулоқот» журналининг 11-12 сони босилиб чиқди. У ҳамишагидай, «Муҳаррир минбари» рукнидаги дадил фикр-мулоҳазаларга бой, бугунги жамиятимиз ҳаётининг муаммолари таҳлили билан бошланади.

Журналнинг «Инсон ва жамият» рукнида берилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Бўритош Мустафоевнинг «Адолат қомуси» мақоласи давлатимизнинг Асосий Қонуни — Конституция таҳлилига бағишланган. «Адолат ҳукмрон бўлган ҳуқуқий давлат барпо этиш учун, — дейди мақола муаллифи, — аввало ҳуқуқий давлатнинг фуқароларини шакллантирмоқ, қонунларга ҳурмат руҳини барпо этмоқ лозим».

Тарихчи олим Абдулла Абдунабиев «Ватаннинг теран томирлари» мақоласида «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг тарихий замини ҳақида сўз юритади. «Шоирнинг руҳий эҳтиёжи» сарлавҳаси остида мунаққид Ўрол Ўтаевнинг атоқли шоиримиз Абдулла Орипов билан қизиқарли суҳбати босилган. Сурхондарёлик тарихчи олим Шониёз Сафаровнинг «Амир Темур аждодлари» тадқиқоти ҳам қизиқиш уйғотади.

Таниқли иқтисодчи олим Саидкарим Зиёдуллаев «Бугунги Ўзбекистон иқтисодиёти» мақоласида айни замондаги иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ва аҳамияти ҳақида сўз юритади. Шарқшунос Ҳамидулла Кароматов «Оллоҳнинг улуғ исми» мақоласида ислом уламоларининг исми аъзамни қандай тушунишларини ҳикоя қилади. Бу сонда ҳассос муаррих, академик Бўрибой Аҳмедов форс тилидан таржима қилган Давлатшоҳ Самарқандай тазкирасидан Сарбадорлар давлатига оид парча берилган. Ориф Усмон «Юрт зикрида куйган юрак» мақоласида Афғонистонда яшаб ижод қилган ўзбек шоири Шарафиддин Шараф ҳаёти ва ижоди ҳақида фикр юритади.

Шарқшунос Зокир Қутибоев «Хожа Аҳрор сийрати» мақоласида буюк мутафаккир ҳаётининг ёрқин саҳифаларини ёритади. Мирза Аҳмад Азаматнинг «Отойи шажараси» мақоласида улуғ шоирнинг насл-насаби Аҳмад Яссавийга бориб тақалишини далиллайди.

«Мулоқот»нинг бу сонида ҳам Фахриддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Рашоҳат айнул ҳаёт» асаридан парча берилган. Шу билан бу ноёб асарнинг босилиши якунланди.

Шунингдек, Эминжон Талабовнинг «Аруз талқинчаси», Ғафуржон Сатимовнинг «Бобуршоҳ оиласи» тадқиқотларидан ҳам қизиқарли янгиликларни билиб оласиз. «Мулоқот дафинаси» туш таъбирлари ҳамда оила ва никоҳ масалаларига бағишланган.

Муҳаррир минбари

ВАТАН УЧУН

Бу дунёда ҳеч ким ҳеч кимнинг ўрнини боса олмайди. Ҳар ким ёруғ жаҳонга ўз ўрни, ўз вазифалари билан келади. Бироқ асфальт ва бетонга қамалган, машина ва бошқа темир-терсакларга таянган, куни булғанган ҳаво ва пароканда атроф-муҳитга қолган даврдошларимизнинг бу ҳақда ўй-мулоҳаза юритишга вақти ҳам, майли ҳам йўқ. Ҳолбуки, ҳаёт инсонга бир марта берилади. Бунинг устига умр ҳам қисқагина. Буюк алломалардан бирининг таъбирича, «ҳар ким дунёга қоралама нусхада туғилади ва шартли равишда инсон деб аталади, бу номга чинакамига сазовор бўлиш ҳали олдинда».

Бизнинг аждодларимиз бу номни том маъносида оқлаганлар. Улар муқаддас қонларини тўкиб, азиз жонларини фидо қилиб юртимизни омон сақлаганларки, биз миллат сифатида шу кунларгача етиб келдик. Энди ўзбек тарихий силсиласининг узилиб қолган ҳалқаларини тиклаш, миллатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш, балки янги саҳифалар ҳам очиш навбати бизнинг зиммамизда.

Асосан бугун миллий қадр-қимматимизни тиклаш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Фақат ўз қадр-қимматини тўла англаган инсон ўзини чинакамига озод деб ҳис қилиши мумкин. Айрим инсон эркин бўлмагани ҳолда давлат ёки жамиятнинг озодлиги ақл бовар қилмас гапдир. Инсон қадр-қимматини тиклаш эса ундаги қулларга хос ҳиссиётларни таг-томири билан емиришдан бошланиши керак.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ғайримуҳитдан чиққанлигимиз бизларни асло хижолат қилмаслиги керак, негаки, биринчидан фожеали қисмат айб эмас, иккинчидан миллатимизнинг ғафлатлари, хатолари учун ҳар биримиз ўз шахсий товонимизни тўлаб улгурдик. Жаҳон олдида бизнинг юзимиз ёруғ.

Бугун Ўзбекистон заминига умидли замонлар келди. Мозий қаъридан келиб чиққан юртимизнинг тарихий йўли асрлар билан ўлчанади. Бироқ ўша асрлар давомида ҳеч қачон инқилобий воқеалар шу бугунгидек кўп кечган эмас. Орзу-армонлар ушалиши учун қулай фурсатлар ҳеч бир вақт шу бугунгидек қўл келган эмас. Бугун энг аввало ўзбек кишисининг хатти-ҳаракатида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ўзбек кишисида тамоман янги кўламли дунёқараш шаклланмоқда. Бу, назаримда, миллат эгаллаб турган тарихий мавқе ва миллат олдида турган жаҳоншумул вазифалардан келиб чиққан қарашлардир.

Мутахассислар хулосаларига кўра мустабид тартиботдан кейин сиёсат мавриди келар эмиш. Бироқ энг мукаммал сиёсий тузум яратилганда ҳам, энг аъло иқтисодий дастурлар ишлаб чиқилганда ҳам маънавий пойдевор мустаҳкам бўлмаса, яъни оддий кишиларнинг руҳияти паст, кайфияти ёмон бўлса — жиддий ўзгаришлар ясаш мушкул. Капиталистлар «психолог — агент перемен», яъни «руҳшунос — табадуллар вакили» деб бежиз айтмайдилар. Менинг шахсий фикримча, миллатимизни мустамлакачилик домига илинтирган сабаблар сиёсий ҳам эмас, иқтисодий ҳам эмас, балки маънавий йўриғда бўлган бўлса, эҳтимол. Чунки сиёсатда қалтис вазиятлар кўп вужудга келади, бироқ ирода шиддати, руҳ матонати билан ҳар қандай англашилмовчиликлар бартараф этилиши мумкин. Моддий қийинчиликларга йўлиқиб, уларни енгиб чиқаётган давлатларнинг ҳам сон-саноғи йўқ. Маълум даврларда айни руҳиятимиз сустлиги, иродамиз бўшлиги бизларга панд берганга ўхшайди.

Ҳар қандай сиёсий тузумни тутиб турган ҳаётий асослар бўлади. Улардан бири халқнинг, фуқароларнинг қиёфаси — уларнинг онги даражаси, руҳияти миқёси, ижтимоий таркибидир. Шу омиллар давр талабларига мувофиқ келмаган тақдирда тузум туб моҳияти билан таназзулга маҳкум. Чунки жамият аслида айрим кишилар йиғиндисидир. Майда одамлардан майда, арзимас жамият ҳосил бўлади, фозил инсонлар эса жамлангач, ўз заковатлари қудрати, ўз иқтидорлари тафти билан юртини, халқини кўкларга қадар юксалтиришга қодирлар.

Минг қатла шукрки, миллатимизнинг маънавий бисоти ғоят бой ва қадим, ижодий имкониятлари эса беқиёсдир. Улар шарофати билан биз бугуннинг ўзида жаҳоннинг етук, илғор инсонлари сафларида туришга ҳақлимиз. Ва ҳали-ҳозир, буюклар жумласида саналмасак-да, ниятларимизнинг холислиги, фазилатларимизнинг эзгулиги жиҳатидан шу йўлга қадам қўйганмиз.

Ҳақиқатан ҳаётимизнинг шу бугунги босқичида — биз яхшимизми, ёмонмизми — бундан қатъи назар, биз ўзимизнинг аҳволимиз ва мақсадларимизга яраша, ўзимизга муносиб йўлни танлаганмиз. Бу оғир йўл, негаки, бугун каби эртага ҳам улкан фидойиликни, машаққатли меҳнатни талаб этади. Чунки шу тобда бизларга тараққиёт пешвоси Ғарб ҳам, инсониятнинг бугунги қудратини, йиғирманчи аср кишисининг орзу-армонларини мужассам этган Америка ҳам намуна эмас. Сабаби — бир замонда, бир куррада яшаганимиз билан биз ва бутун жаҳон ўртасида еру осмонча тафовут бор. Энг аввало мафкура, маънавият соҳаларида. Тан олиш керак, совет мафкураси ўз сиёсатида қурол қилиб олган ғоялар — инсонпарварлик, миллатпарварлик ва ҳоказолар — долзарблигини йўқотгани йўқ ва йўқотмайди ҳам. Зотан, ўзбек кишисининг ички дунёси ўша юксак мафкуравий ва инсоний ғоялар билан суғорилган, ғоят теран, нозик тимсоллар таъсирида шаклланган. Зеро, мустамлакачилик исканжасидан чиққанлигимизга қарамасдан илму маърифат миллатимизнинг фарқли хусусиятига, маънавий кўрсаткичларидан бирига айланган. Биз энг оғир деб баҳолаётган шу паллада ҳам юртдошларимиз хонадонлари китоб ва бошқа тур маърифий манбаларга тўладирки, бу жиҳат халқимиз онгининг юқори савиясидан далолат беради.

Юнон файласуфи Аристотель қадим-қадимларда давлат тузумининг мақсади «ажойиб ҳаёт»дир деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, қолоқ кишини ажойиб ҳаёт шароитида тасаввур қилиш мумкин бўлмагани каби етук, мукаммал инсонни ҳам паст турмуш муҳитида тасаввур қилиш қийин. Табиийки, бизлар жаҳон хонадонида ўз ўрнимизни эгалламоқчи бўлсак, тараддуд ёки фалокатларга дахлсиз азалий, абадий қадриятларга таянишимиз, бутун ҳаётимизни ва биринчи галда ўз-ўзимизни қайта қуришимиз керак. Чет элларда бизларни яхши маъноларда таний олишлари учун эмас, ўз-ўзимиз учун, ўзимизни қайта кашф этишимиз учун. Бизга нону туз берган, ер юзидаги шу ҳаёт йўлини бизларга раво кўрган наслларга мансублигимизни оқлашимиз учун. Ватанимиз учун. Зеро, муваффақиятлар ва муваффақиятсизликлар мезони Ватандир.

Шониёз САФАРОВ

АМИР ТЕМУР АЖДОДЛАРИ

· Амир Темурнинг ўзи ёки ота-боболари ёзган шажара борми?

· Мирзо Мироншоҳ қабр тошидаги насабнома битиги

· «Монголлар (мўғуллар)нинг яширин тарихи»

· Чингизхоннинг она тарафдан аждоди ° Алан қува ° «гўзал юзли» ёки «Гулчеҳра» демакдир.

· Амир Темур нимага ўзини хон деб эълон қилмаган?

Мавжуд манбаларда Амир Темурнинг ўзи ёки ота-бобоси битиб қолдирган насабномаси ҳозирча маълум эмас. Лекин Амир Темур ҳақида турли давр ва ҳар хил сиёсий муҳитда яшаган муаллифлар томонидан кўплаб асарлар ёзилган ва ёзилмоқда.

Эрондаги мўғул ҳукмдорлари — хулокулар даврида вазир бўлган қомусий олим Рашидуддин Фазлуллоҳ ибн Имод ад-Довла Абулхайр Ҳамадоний (1247-1318 йиллар) «Жоме ат-таворих» асарида бошқа маълумотлар билан бир қаторда туркий подшоҳлар шажарасини ёзади. Бу эса, кейинги бир қанча тарихий шахслар: султонлар, хонлар, амирлар шажарасини яратишда манба ва туртки бўлди.

Шохрухнинг ўғли, Форс ўлкасининг ҳукмдори Иброҳим Султон ўз саройида хизматда бўлган Шарафуддин Али Яздийга ўз бобоси Амир Темур соҳибқирон ҳақида махсус китоб ёзиш ва унда Амир Темур шажарасини то Одам Отагача етказишни талаб қилади. Китоб 1419-1424 йиллар, яъни 5 йил мобайнида Шерозда ёзиб тугалланади ва «Зафарнома» деб ном олади. Бу асар Темурга бағишлаб ёзилган, шу даврда маълум бўлган асарлар Амир Темурни билган, жангларда у билан бирга бўлган гувоҳлар, тарихий ҳужжатлар асосида юзага келди.

«Зафарнома»да Амир Темур шажараси: «Амир Темур Кўрагон ибн амир Тарағай ибн амир Буркул ибн Илангиз баҳодир ибн Ийжил Нўён ибн Қорачор Нўён ибн Сўғу Чечен ибн Эрдамчи барлос ибн Қочули баҳодир ибн Тумахон ибн Бойсунгурхон ибн Қайдухон ибн Дутурманхон ибн Буқо-қоон ибн Бузанжирхон ибн Алонқуво, қайсиким, Қуён наслига мансуб эди», дейилган.

Орадан кўп ўтмай Амир Темур, кейинчалик Шоҳруҳ саройида хизматда бўлган ҳиротлик таниқли тарихчи Шоҳобиддин Адбуллоҳ ибн Лутфуллоҳ бин Абдурашид (лақаби Ҳофизи Абрў) 1423-1427 йиллар орасида «Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий» асарини ёзди. Бу асардаги амир Темур насабномаси Шарафуддин али Яздийнинг «Зафарнома»сидаги насабномадан фарқ қилмайди.

Амриддин Бердимуродов «Сирли олам» журналида (1993, 2-сон, 28-бет ва 3-сон, 21-бет, «Самарқанд, Амир Темур хилхонаси») таъкидлаган Мирзо Мироншоҳнинг қабр тошидаги ёзувда унинг шажараси: «Мирзо Мироншоҳ ибн Амир Темур ибн Тарағай ибн Баргул ибн Айлангир ибн Ижил ибн Қоражор ибн Сўғужин ибн Ирдамчи ибн Қочулай ибн Туманай ибн Чингизхон ибн Туманай ибн Бойсунқур ибн Қайду ибн Тутумтин ибн Буқа ибн Бузанжир» тарзида баён этилган.

Амир Темурнинг пастки ҳақиқий қабр тошидаги ёзувда: «Бу қабр... Амир Темур Кўрагон ибн амир Тарағай, ибн амир Баргул ибн амир Айлангир ибн амир Ижили ибн амир Қоражор Нўён ибн амир Суғужин ибн амир Ирдамчи барлос ибн амир Қочулай ибн амир Туманой сўнгра Чингизхон ибн амир Есукай баҳодир ибн амир Бартон баҳодир ибн амир Қобилхон ибн амир Туманой ибн Амир Бойсунқур ибн амир Қайду ибн амир Туманой ибн амир Буқа, ибн амир Бузанжирникидир». Мақбаранинг иккинчи қаватидаги қабр тошидаги ёзувлар ҳам пастдаги ёзувларни такрорлайди. Лекин кўриниб турибдики, бу шажарада Туманой уч марта такрорланади.

16-аср охири, 17-аср бошларида яшаган бухоролик тарихчи ва шоир Ҳофиз Таниш ибн Муҳаммад ал-Бухорийнинг Бухоро ҳукмдори Абдуллахонга (1557-1598) бағишлаб ёзган «Абдулланома» («Шарафнома шоҳий») асаридаги Чингизхондан Бузанжиргача бўлган шажара Амир Темурнинг пастки ва устки қабр тошларида ёзилган шажарага мос келади...

Ориф УСМОН

ЮРТ ЗИКРИДА КУЙГАН ЮРАК

Хориждаги ўзбеклар

Бизнинг азиз ва табаррук ўлкамиз Ўзбекистоннинг, умуман Туркистоннинг озодлиги ва мустақиллигини орзу қилиб, мана шу бахтиёр кунларимизга етолмай, бир умр дилларида тўла ғам-ғусса, доғу ҳасратлари билан чет элларда яшаб, дунёдан кўз юмган ўнлаб-юзлаб ўзбек ва бошқа туркистонлик шоир, олимлар, мунаввларни истиқлолимизнинг бешинчи йилига қадам қўяр эканмиз, бот-бот эслаб туриш, ўшал бузруг-вор ватандошларимизнинг руҳи покларини шод этиб туриш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ўйлайман. Биз учун бағоят азиз, мўътабар сиймолардан бири Тошкентда туғилиб, тақдир тақозоси ила афғон юртига ҳижрат қилган, ул тупроқда абадий уйқуга кетган истеъдодли шоирларимиздан бири Шарафиддин Шарафдир. Дастлаб Тошкент, сўнгра Бухорои шарифда таҳсил олиб, ўзининг латиф хулқи, закий шоирлиги ила Афғонистонда катта шуҳрат орттирди.

Шарафиддин Шараф 1872 йилда Тошкентнинг Мурод маҳалласида (ҳозирги Чақардаги 12-мактаб ўрнида) Мир Зоҳид исмли деҳқон оиласида дунёга келади. Ёшлигида илм ва шеъриятга шайдо бўлган Шарафиддин фалсафий, тасаввуфий, адабий, диний илмларни пухта ўрганиш билан бирга форс-тожик, араб тилларини ҳам мукаммал ўзлаштириб олади.

Камбағал деҳқон фарзанди Шарафиддин Бухорода ўқиган йиллари иқтисодий жиҳатдан анча қийналади. Шу сабабли кичкина китоб дўкони очиб рўзғор тебратади. Ўша йиллардаёқ у «Сураи Шамс» тўпламини чиқаради.

Шарафиддин болалигиданоқ Шарқ шеъриятининг устунларидан бири Мирзо Абдулқодир Бедилнинг шеъриятига катта ҳусни рағбат кўрсатган. Алалхусус, унинг ниҳоятда мураккаб шеърларини ўқиб, тўғри тавсифлаб бера олгани учун «Домла Бедил» деган номга эга бўлади.

Замона зайли туфайли шоир 1928 йилда оиласи билан мулки Афғонга ҳижрат қилади. Дастлаб Андҳўйда, 1939 йилдан бошлаб Қобулда яшайди.

Ўғиллари Афғонистон пойтахтида савдо-сотиқ ишлари билан шуғуллана бошлайди. Шарафиддиннинг ўзи етук шоир, моҳир бедилхон, шатранж устаси сифатида Қобул жамоатчилигининг назарига тушади.

Шарафиддин Шараф Азимий (Сарипулий), Малик уш-шуаро Бетоб, Мавлоно хаста, Мавлоно Қурбат, довуд Ҳусайний сингари афғонистонлик йирик бедилшунослар билан жуда кўп вақтларни бедилхонликда ўтказади.

1946 йили шоир оиласида мусибат юз бериб, тўнғич ўғли Шаҳобиддин тўсатдан вафот этади. Фарзанди доғида куйган Шарафиддин ўзи ҳам ўша йили оламдан ўтади.

У «Шараф» тахаллуси билан шеърлар ижод этиш билан бирга Ҳофиз, Навоий, Фузулий, Бедил, Машраб каби шоирларга мухаммаслар боғлаган.

Шоир Шарафнинг ўзбек ва форс тилларида ёзилган каттагина девони бўлиб, у қўлёзма ҳолида Асомиддин оиласида сақланаётир.

Қобулдаги Маориф вазоратидаги ўзбек-туркман Департаментида, сўнгра Афғонистон жумҳурияти Фанлар академиясининг «Пашту» байналмилал тадқиқот марказида мушовир бўлиб ишлаган пайтларимда жуда кўп ўзбек зиёлилари билан танишиш, уларнинг айримлари билан бирга ишлаш шарафига муяссар бўлганман. Ўша даврда Қобулда истиқомат қилаётган Асомиддин ака (шоирнинг ўғли) уйида Шарафиддин Шарафнинг қўлёзма девонини кўрганман. У киши Афғон инқилоби туфайли юз бераётган беаёв қатлу қаттолликлар, жабру ситамларга дош беролмай Ғарбга ҳижрат қилди.

Шоирнинг авлодлари тожир, ҳунарманд, муҳандис сифатида Афғон диёрида сезиларли из қолдирди. Унинг бир набираси муҳандис Бадриддин Шарафий (марҳум) АҚШда нефть ва газ соҳасида таълим олган. Мамлакатнинг шимолий қисмидаги нефту газ конларини қидириб топиш, улардан фойдаланиш борасида машҳур эди. Ҳафизулло Аминнинг буйруғи билан бегуноҳ қўлга олиниб, даҳшатли «Пули Чарх» зиндонининг полигонида аёвсиз қатл этилди. Умрининг асосий қисмини афғон тупроғида ўтказган, Қобул шаҳрида вафот этиб, Бобурнинг муборак ҳоки сақланаётган шаҳарда дафн этилган. Ўзбек ва афғон халқининг фахри бўлмиш ватандош шоиримиз ҳақида бир неча мўътадил мақолаларни ҳисобга олмаганда деярли ҳеч қандай маълумот босилмай келмоқда. Ваҳолонки, форс, ўзбек тилларида баробар қалам тебратган шоир Шарафиддин Шарафнинг серқирра ижодиёти чуқур тадқиқ этишга арзийди.

ҲАДИСЛАР

Зиёратингизга келган одамнинг ҳурматини жойига қўйинглар. Бирор қабиланинг улуғ кишиси ёки бошлиги келса, уни иззат-икром қилинглар.

***

Ким кимни дўст тутса, шу меҳри-севгисини билдириб қўйсин.

***

Бирор киши гапирган пайтида у ёқ-бу ёққа қараб қўйса, демак, бу гап омонатдир.

***

Ҳаёлингиздан бирор шубҳали (ҳақлиги исботланмаган) фикр ўтса, уни тез тарк этинг.

***

Савобли иш қилганингизда хурсанд бўлсангиз, гуноҳ иш қилганингизда хафа бўлсангиз, демак сиз ҳақиқий мўъминсиз (Тангрига ишонувчисиз).

***

Қўшниларингиз сизни яхши дейишаётган бўлса, демак сиз яхшисиз, улар сизни ёмон дейишса — демак, сиз ёмон одамдирсиз (Агар қўшнилар яхши бўлса).

***

Қайси бир халқдан қирқ киши ва бундан зиёд одамлар бирор ишга гувоҳлик берсалар, тангри уларнинг гувоҳликларини қабул этади.

«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Ошкора, самимий мулоқотга иштиёқингиз бўлса, ўзингизга ҳамдард, кўнглингизга яқин дўст топмоқчи бўлсангиз «Мулоқот» журналига обуна бўлинг!

Агар суюкли Ватанимизнинг, буюк мамлакатимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳамда миллатнинг таянчи бўлган улуғ тарихий шахслар ҳақида кенгроқ ва батафсилроқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, юрт равнақига хизмат қилишга бел боғлаган «Мулоқот» журналига ёзилинг!

1996 йил учун обуна давом этмоқда. Давримизнинг энг долзарб масалаларига дадил муносабат билдирадиган, халқимиз тарихи, унинг бой маданий мероси ва анъаналарини кенг тарғиб қилиш асосида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга катта ҳисса қўшаётган, энг демократик ва энг халқчил «Мулоқот» журнали кўнглингизга нур, хонадонингизга файз, онгингизга зиё бахш этишига ишонамиз.

Агар Сиз журналга ўз вақтида обуна бўлсангиз ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ютасиз. Чунки журналнинг чакана савдодаги нархи обуначи оладиганидан анча қимматга тушади. Чинакам ўқувчи учун обуна энг қулай имконият.

Журнал бир йилда 6 марта чиқади.

ОБУНА НАРХИ

Якка тартибдаги обуначилар учун:

Нашр индекси — 75401

Олти ойга — 63 сўм 60 тийин.

Бир йилга — 127 сўм 20 тийин.

Ташкилотлар учун:

Нашр индекси — 75406

Олти ойга — 108 сўм 60 тийин.

Бир йилга — 217 сўм 20 тийин.

Муҳтарам ўқувчи! Халқимизнинг мустақиллик минбари бўлиб келаётган энг севимли, энг мазмунли, республикамизнинг миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журналига обуна бўлишга шошилинг!

ЭСЛАТМА: Сотувга ниҳоятда чекланган миқдорда чиқарилади.

«МУЛОҚОТ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0490.

Навбатчи муҳаррир Х. ИКРОМОВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.